

## ЎЗБЕК ТИЛИДА СОДДА ВА ҚЎШМА ГАПЛАР ЎРТАСИДАГИ ЗИДДИЯТЛАРНИНГ МЎЪТАДИЛЛАШУВИ

Дилфуза Абдухамидовна НУРМАНОВА

доцент

Филология фанлари номзоди  
Андижон давлат университети

Андижон, Ўзбекистон

[nurmanova73@icloud.com](mailto:nurmanova73@icloud.com)

### Аннотация

Мақолада ўзбек тилида содда ва қўшма гаплар ўртасидаги зиддиятлар ва уларнинг маълум шароитда зидланиш белгиларини йўқотиб, мўътадиллашуви масаласи ҳамда мўътадиллашувга олиб келувчи ҳолатлар хақида сўз юритилади.

**Таянч сўзлар:** содда гап, қўшма гап, синтактик бирликлар ўртасидаги зиддиятлар, содда ва қўшма гаплар ўртасидаги зиддият ва уларнинг мўътадиллашуви, мўътадиллашувга олиб келувчи ҳолатлар.

## НЕЙТРАЛИЗАЦИЯ ОППОЗИЦИЙ МЕЖДУ ПРОСТЫМИ И СЛОЖНЫМИ ПРЕДЛОЖЕНИЯМИ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Дилфуза Абдухамидовна НУРМАНОВА

доцент

Кандидат филологических наук  
Андижанский государственный университет

Андижан, Узбекистан

[nurmanova73@icloud.com](mailto:nurmanova73@icloud.com)

### Аннотация

В статье речь идет об оппозициях между простыми и сложными предложениями в узбекском языке и их нейтрализации – разглаживании дифференциальных признаков между ними в определённых условиях, и ситуациях, приводящих к нейтрализации.

**Ключевые слова:** простое предложение, сложное предложение, оппозиции между синтаксическими единицами, оппозиции между простыми и сложными предложениями и их нейтрализация, ситуации, приводящие к нейтрализации.

Маълум нутқий шароитда икки лисоний бирлик ўртасидаги зидланиш белгиларининг йўқолиши мўътадиллашув (нейтрализация) саналади. Ушбу масалага Н.С.Трубецкой жуда катта эътибор берди. Фонологияда эътироф этилган бу тушунча кейинчалик А.А.Реформатский [20], А.А.Виноградов [4], Л.И.Богораз-Бухман [3], В.М.Бельдиян [2], В.К.Журавлёв [7.8]лар томонидан ривожлантирилди.

Ўзбек тилшунослигида мўътадиллашув масаласи А.Нурмонов [18], Н.Махмудов [14], А.Абдуазизов [1], Ҳ.Неъматов [16], А.Собиров [21], З.Қодиров [23], Д.Набиева [15], Д.Нурманова, Д.Лутфуллаева, О.Эшонқулов [12]ларнинг ишларида маълум даражада ёритилди. Аммо, шундай бўлишига қарамай, тилнинг барча сатҳлари доирасида етарли даражада ўрганилгани йўқ.

Синтактик сатҳда, хусусан, содда гапларда ифода мақсадига кўра дарак-сўроқ, дарак-буйруқ, дарак-истак, сўроқ-дарак, сўроқ-буйруқ, буйруқ-дарак, буйруқ-сўроқ, буйруқ-истак зиддиятлари; жумла орқали ифодаланган мазмуннинг воқеликка муносабатига кўра тасдиқ-инкор зиддияти; зарурий бўлакларнинг иштирокига кўра тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар зиддияти; мураккаблашувига кўра мураккаблашган ва мураккаблашмаган гаплар зиддияти ва бу зиддият учун асос бўлган фарқловчи белгиларнинг йўқолиши натижасида мўътадиллашув кузатилса, қўшма гап сатҳида боғланган, эргашган, боғловчисиз қўшма гапларнинг шакли ва мазмуни ўртасидаги зидланиш белгиларининг йўқолиши ҳам мўътадиллашувга олиб келади.

Мўътадиллашув ҳодисаси содда гапларда, асосан, синтактик (шакл ва шакл зиддияти) зиддиятга асосланса, гапдан англашилган мазмуннинг воқеликка муносабатига кўра тасдиқ ва инкор гаплар зиддиятида гапнинг прагматик маъноси асосий роль ўйнайди, мураккаблашган содда гапларда эса полипропозитив ва монопредикативлик белги зиддият учун асос бўлади. Қўшма гапнинг боғланган ва боғловчисиз турида мўътадиллашув лисоний тежамкорликка асосланса, эргаш гапли қўшма гапларда, кўпинча, ортиқчалик тамойили асосида юзага келади. Бундан содда ва қўшма гаплар ўртасидаги зиддият ва уларнинг мўътадиллашуви ниманинг ҳисобига юзага келади, деган ўринли савол туғилади.

Р.Давлатова пропозитив маъно ифодаси ҳақида сўз юритар экан, нутқ жараёнида муайян вазиятни акс эттирувчи сўзлар пропозитив маъно англатувчи сўзлар эканлигини таъкидлайди. У нутқда ҳар қандай сўзлар

пропозиция ифодайвермаслиги, ўзбек тилида бундай сўзларнинг кўлами нисбатан чегараланганлигини айтади ва пропозитив маъноли сўзларнинг икки турини, яъни муайян нутқий қўлланишда пропозитив маъно ифодалашга хосланувчи сўзлар ҳамда луғавий маъноси асосида гапда пропозитив маъно ифодаловчи сўзлар каби турларини ажратади. Муайян нутқий қўлланишда пропозитив маъно ифодалашга хосланувчи сўзларга ижтимоий хизмат турларини амалга оширувчи объект номларини (масалан, *аэропорт*) киритади ва бундай номлар бинолар пештоқига ёзилганда пропозитив маъно касб этишини таъкидлайди.

Луғавий маъноси асосида гапда пропозитив маъно ифодаловчи сўзларга: а) гапга сабаб, мақсад узвлари сифатида киритилган лексик номинантларни; б) луғавий маъноси асосида муайян бир вазиятни ифодаловчи сўзларни киритади [6;11].

Гапда ана шундай сабаб, мақсад узвлари сифатида киритилган лексик номинантлар ҳамда луғавий маъноси асосида муайян бир вазиятни ифодаловчи сўзлар қатнашганда, бирдан ортиқ пропозиция ифодаланади. Бундай вақтда содда ва қўшма гаплар ўртасида зиддият юзага келади. Масалан, *У ноиллож ўрнидан турди*. Мазкур гапда сабаб маъносини ифодаловчи *ноиллож* равиши қатнашган, синтагматикада у тобеланиб келаётган *қолди* кесими тушириб қолдирилганлиги туфайли пропозитив номинантга айланган. Натижада, содда ва қўшма гаплар ўртасидаги зиддият силлиқланиб, асли қўшма гап бўлган синтактик қурилма содда гап тусини олган. Бу тежамкорлик тамойили асосида юзага чиққан. Солиштирайлик: *У ноиллож ўрнидан турди // У ноиллож қолди ва ўрнидан турди*.

Баъзан содда гап таркибида –дан+кейин (сўнг), -дан+аввал (бурун) каби кўмакчили қурилмалар иштирок этганда ҳам бирдан ортиқ пропозиция ифодаланади [6;11]. Масалан, *Мажлисдан сўнг ҳамма уй-уйига тарқалди* содда гапида иккита пропозиция ифодаланган: 1. *Мажлис тугади*. 2. *Шундан сўнг ҳамма уй-уйига тарқалди*. Бундай вазиятда содда ва қўшма гапларни эркин алмаштириб қўллаш мумкин, бу уларнинг мазмунига путур

етказмайди. Масалан, солиштирайлик: *Мажлисдан сўнг ҳамма уй-уйига тарқалди // Мажлис тугади, шундан сўнг ҳамма уй-уйига тарқалди // Мажлис тугади ва ҳамма уй-уйига тарқалди.* Бундай танлаш имконияти туғилганда, албатта, нисбатан ихчам, нутқ учун қулай бўлган вариантдан фойдаланилади. Натижада нутқни тежаш мақсадида қўшма гап ўрнида содда гап қўлланилади. Бу содда ва қўшма гаплар ўртасидаги зиддиятнинг мўътадиллашуви натижасида юзага келади.

*Самарқанддан аввал Тошкентга бордик.* Мазкур гапда ҳам *-дан+аввал* кўмакчили қурилмаси пресуппозицияга йўл очувчи восита бўлиб хизмат қилган. Сўзловчининг нияти қуйидаги гап шакллари орқали ифодаланиши мумкин: *1.Самарқанд ва Тошкентга боришни ният қилганмиз, аввал Тошкентга бордик. 2. Аввал Самарқандга бормадик, Тошкентга бордик. 3. Самарқандга боришдан олдин Тошкентга бордик.* Эркин алмашиш дистрибуцияси муносабатида бўлган мазкур гаплардан нутқда тежаш тамойилига асосан *Самарқанддан аввал Тошкентга бордик* жумласи қўлланилган.

Р.Давлатова луғавий маъноси асосида гапда муайян бир пропозицияни ифодаловчи сўзларга жанжал, ёнғин, зилзила, тошқин, ёмғир, исён, алам, ҳаяжон каби табиий ва ижтимоий ҳодисаларни, кишиларнинг турли рухий ҳолатини акс эттирувчи сўзларни киритади [6;12]. Бизнингча ҳам форс-мажор ҳолатларини акс эттирувчи *зилзила, тошқин (суб тошқини), ёнғин, кўчки, вулқон, циклон, торнадо, бўрон, музлама, қурғоқчилик, чақмоқ, эпидемия, пандемия* каби табиий офат номлари; *уруш, тўполон, юриш, исён, намойиш* каби ижтимоий ҳодисаларни ифодаловчи номлар қатнашган гапларда доим бирдан ортиқ пропозиция ифодаланади. (Форс-мажор (*непреодолимая сила*) тушунчаси юридик соҳага тегишли бўлгани учун ва табиий ҳамда ижтимоий ҳодисаларнинг форс-мажор даражасига кириш-кирмаслиги вазиятга кўра масъул шахслар томонидан белгиланиши, шунинг учун бундай лексиканинг аниқ чегараси йўқлиги туфайли мақолада бундай лексикага оид сўзларга тўхталмасликни лозим топдик) Масалан, *Пандемия*

дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди мисолида эга вазиятида келган “пандемия” “Пандемия тарқалди” предикатив бирлигининг нопредикатив бирликка транспозицияси натижасида юзага келган, бу кесимни тушириб қолдириш, тежаш натижасида амалга ошган. Аслида гап кўйидаги шаклларда ифодаланиши мумкин: **Пандемия тарқалди**, бу дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди // **Пандемиянинг тарқалиши** дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди // **Пандемия** дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди. Кўринадикки, таркибида луғавий маъноси асосида маълум пропозицияни ифодаловчи сўзлар қатнашган гапларда бирдан ортиқ воқелик ифодаланади, бу эса содда ва кўшма гаплар ўртасидаги зиддиятни юзага келтиради. Тилда ана шундай эркин алмашиниш имкониятида бўлган зиддият аъзолари маълум шароитда зидланиш белгисини йўқотиши, мўътадиллашуви мумкин.

Сифатдош, равишдош, ҳаракат номили ўрамлар билан мураккаблашган содда гапларда пропозиция бирдан ортиқ ифодаланишига кўра кўшма гапларга ўхшайди. Аммо монопредикативлик хусусияти билан фарқ қилади. Бундай содда гаплар кўшма гаплар билан полипредикативлик белгисининг бор-йўқлигига кўра приватив зиддиятга киришади. Масалан, *Шу онда пайгамбарлар Сарварини ваҳий чулғаб, масалани илдизидан ҳал этди-қўйди.* (Аҳмад Лутфий Қозончи. Саодат асри қиссалари) Мазкур гапда “пайгамбарлар Сарварини ваҳий чулғаб” бирикмаси орқали пропозиция ифодаланган, аммо предикативлик шаклланмаганлиги сабабли у равишдошли кенгайган бирикма ҳисобланади. У “Пайгамбарлар Сарварини ваҳий чулғади” гапининг трансформациясидан ҳосил бўлган. “Шу онда” ҳоли “пайгамбарлар Сарварини ваҳий чулғаб” нопредикатив бирикмаси ва “масалани илдизидан ҳал этди-қўйди” предикатив бирикмалари учун бирдек

тегишли бўлган бўлак. Бу гапни қуйидаги шаклларда бериш мумкин: *Шу онда пайгамбарлар Сарварини ваҳий чулғади ва масалани илдизидан ҳал этди-қўйди // Шу онда пайгамбарлар Сарварини ваҳий чулғаб, масалани илдизидан ҳал этди-қўйди.* Кўриниб турганидек, мазкур воқеликни ифодалаш учун икки хил гап шаклидан (содда ва қўшма гап шаклларида) фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолатда икки хил зиддият кузатилади: 1. Полипредикативлик белгисининг зиддият аъзоларидан бирида бор, иккинчисидан йўқлигига кўра приватив зиддият. 2. Бир воқеликни ифодалаш учун қўлланиши мумкин бўлган икки хил гап шакли ўртасидаги зиддият (синтактик зиддият). Нутқий вазиятда ҳар иккала зиддият ҳам мўътадиллашиш хусусиятига эга бўлади.

*Ҳазрати Умарнинг (р.а.) бу мулоҳазасига Абдуллоҳ қандай жавоб берди, билмаймиз. (Аҳмад Лутфий Қозончи. Саодат асри қиссалари) // Ҳазрати Умарнинг (р.а.) бу мулоҳазасига Абдуллоҳ қандай жавоб берганини билмаймиз.* Мазкур жуфтлик аъзолари ҳам ўзаро приватив зиддиятга киришган. Зидланувчи аъзолар учун полипропозитивлик белгиси ҳар иккисидан такрорланувчи умумий белги бўлса, полипредикативлик белгиси уларнинг ўзига хос фарқловчи белгиси ҳисобланади. Ана шу фарқловчи белгининг зиддият аъзоларидан бирида бор, иккинчисидан йўқлигига кўра приватив зиддият юзага келган. Маълум шароитда мазкур содда ва қўшма гаплар ўртасидаги зиддият кучсизлашиши, мўътадиллашиши мумкин.

Н.Маҳмудов эргаш гапли қўшма гапларда шакл ва мазмун муносабати ҳақида гапирар экан, шундай дейди: “Шуниси ҳам табиийки, модус ифодаловчи тизим ихчамлашишга мойил бўлади. Буни яхлит гапда денотатив воқеага қараганда модуснинг муҳимлиги билан изоҳлаш мумкин. Ана шу номуҳимлик, аслида, тегишли сўз шаклларидаги маъноларнинг (“шарт”, “пайт” каби) кучсизланишига ёки нейтраллашишига олиб келади. Бу нейтраллашув кўпгина эргаш гапли қўшма гапларда жуда аниқ бўлади. *Мен сенга айтсам, одамларга яхшилик қил. Кейинги масалага келсак, асосий маърузани касабани уюшмасининг раиси қилади. Гапнинг очигини айтганда,*

*шига жиддий киришмоқ шарт. Мен ўйлайманки, у бугун келади* каби эргаш гапли қўшма гапларда ана шундай нейтраллашувни кўриш мумкин. Бу нейтраллашувга ва гапнинг тегишли қисмларида ифодаланган модуснинг мантикий-мазмуний табиатига кўра бундай шаклан қўшма гаплар ҳақли равишда кириш тизимли содда гаплар сифатида баҳоланади” [14;164]. Кўринадики, кўп ҳолларда эргаш гапли қўшма гаплар содда гаплар билан зиддиятли муносабатда бўлади. Бу, айниқса, ҳавола бўлакли гапларда кўп кузатилади. Масалан, *Унинг бу товушида шунчалар ўкинч бор эдики, буни фақат Икромжоннинг кечмишидан хабардор одамгина сезиши мумкин эди.* (Саид Аҳмад. Уфқ.) Мазкур гап бир ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гап. Бош гап таркибидаги *шунчалар* дейксиси (ҳавола бўлак) аниқловчи вазиятида қатнашган. Эргаш гап томонидан ана шу аниқловчининг мазмуни изоҳлангани учун мазкур гап аниқловчи эргаш гапли қўшма гап. Эргаш гап таркибида “бўлган” сифатдошининг тежалиши натижасида юзага келган *“Икромжоннинг кечмишидан хабардор”* адъектив конструкцияси қатнашган. Бу конструкцияни бош гап таркибидаги “шунчалар” дейксиси ўрнига кўйилса, мазкур аниқловчи эргаш гапли қўшма гап мураккаблашган содда гапга айланади ва гап қўйидагича кўринишга эга бўлади: *Унинг бу товушида фақат Икромжоннинг кечмишидан хабардор одамгина сезиши мумкин бўлган бир ўкинч бор эди.* Демак, сўзловчининг мақсадини икки хил гап шакли орқали ифодалаш мумкин. Гапларнинг биринчиси, полипропозитив ва полипредикатив гап, иккинчиси эса полипропозитив ва монопредикатив гап. Демак, полипропозитивлик белгиси иккала гапда ҳам такрорланувчи умумий белги бўлса, полипредикативлик белгиси биринчи гапда бор, иккинчисида эса йўқлиги билан характерланувчи фарқловчи белги саналади. Ана шу фарқловчи (полипредикативлик) белгиси билан тилда ушбу гаплар зиддиятли муносабатда бўлади. Нутқий вазиятда улардан фақат бирининг реаллашиши мўътадиллашувга олиб келади.

Кўчирма гапли қўшма гаплар ҳам кўпинча соддалашишга мойил бўлади. Одатда, сўзлашув услубида аслида кўчирма гапли қўшма гап бўлган

конструкциялар содда гап шаклида берилади. Синтактик синонимия ҳақида гапирар экан, проф. А.Мамажонов шундай дейди: “Кўчирма гапли қўшма гаплар ва ўзлаштирма гаплар маълум бир мақсад, информацияни тингловчига етказиб беришда восита бўладиган турли типдаги гап кўринишларидир. Улар мазмунан бир-бирига жуда яқин бўлиб, муаллифнинг ихтиёри, усул талаби билан бири иккинчисининг ўрнида қўллана олади. Кўчирма гапли қўшма гап ўзлаштирма гапга – содда гапга айлантирилганда, уларнинг структурасида ўзгариш содир бўлади, лекин уларда мазмуний бир хиллик сақланади” [13;77]. Масалан, *Қизча ишга кетаётган онасидан сўради: “Қачон келасиз?”* Мазкур кўчирма гапли қўшма гап кўйидаги содда гап билан эркин алмашилиб келиши мумкин: *Қизча ишга кетаётган онасидан қачон келишини сўради.* Бундай ҳолларда кўчирма гапли қўшма гап ва содда гап зидланиши кузатилади, аксарият ҳолларда у мўътадиллашувга берилади. Юқоридаги фикрлардан қўшма гаплар ҳар доим содда гаплар билан зиддиятли муносабатда бўлиб, қулай вазиятда мўътадиллашувга берилиши мумкин, деган хулосага келмаслик керак. Содда гаплар билан зидланмайдиган, ва, табиийки, эркин алмашилиш муносабатида бўла олмайдиган қўшма гаплар ҳам мавжуд. Масалан, *Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимиз тўда-тўда бўлиб қочаётган мусулмонларга ҳайқариб: “Мен Пайғамбарман, ёлгон эмас! Мен Абдумуталлибнинг ўғлиман!..”* дер, бироқ жон қайғусига тушиб қолган одамлар бу овозга қулоқ солмас эди (Аҳмад Лутфий Қозончи. Саодат асри қиссалари).

Баъзан содда гап таркибида пресуппозицияга йўл очувчи воситалар иштирок этганда ҳам, содда ва қўшма гаплар ўртасида зиддият кузатилади. Масалан, *Кеча меҳмонлар билан Карим ҳам келди // Кеча меҳмонлар келди, улар билан Карим ҳам келди.* Кўриниб турибдики, содда ва қўшма гаплар ўртасида кўпинча кўйидаги ҳолларда зиддият кузатилади:

1. Содда гап таркибида пропозитив маъно ифодалашга хосланувчи сўзлар қўлланганда: *У мажбур ҳаммани рақсга чорлади // У мажбур бўлди ва ҳаммани рақсга чорлади.*



2. Содда гап таркибида луғавий маъноси асосида пропозитив маъно ифодаловчи сўзлар қўлланганда: *Туркиянинг шарқий Ван вилоятидаги зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 7.2 баллни ташкил этди // Туркиянинг шарқий Ван вилоятида зилзила бўлди, унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 7.2 баллни ташкил этди.*

3. Содда гап таркибида пресуппозицияга йўл очувчи воситалар иштирок этганда: *Кеча меҳмонлар билан Карим ҳам келди // Кеча меҳмонлар келди, улар билан Карим ҳам келди.*

4. Содда гап таркибида сифатдош, равишдош, ҳаракат номи ўрамлари, ўхшатиш ҳамда шарт феълли конструкциялар иштирок этганда: *Йўлчилар туяларидан тушиб, масжидга киришди (Аҳмад Лутфий Қозончи. Саодат асри қиссалари) // Йўлчилар туяларидан тушди ва масжидга киришди.*

5. Содда гап таркибида –дан+кейин (сўнг), -дан+аввал (бурун) каби кўмакчили қурилмалар иштирок этганда: *Онасидан сўнг оиладаги муҳит бутунлай ўзгарди // Онаси вафот этди, шундан сўнг оиладаги муҳит бутунлай ўзгарди // Онаси вафот этди ва оиладаги муҳит бутунлай ўзгарди.*

6. Эргаш гапли қўшма гапларда ҳавола бўлақлар иштирок этганда: *Нима эксанг, шуни ўрасан // Экканингни ўрасан.*

Бундай зиддият аъзоларининг муайян вазиятда эркин дистрибуция муносабатида бўлиши уларнинг мўътадиллашувига олиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуазизов А. А. Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 188 б.

2. Бельдиян В.М. Звуковая система современного русского языка и вопросы нейтрализации фонем: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1968. – 169 с.

3. Богораз-Бухман Л.И. Фонологическая нейтрализация на уровне дифферентов и фонем в русском языке. Автореф. Дисс. ...канд.филол.наук. – Москва, 1963. – 168 с.

4. Виноградов В.А. Некоторые вопросы теории фонологических оппозиций и нейтрализации / Проблемы лингвистического анализа. Фонология. Грамматика. Лексикология. – Москва, 1966. – С.13-21.

5. Гулямов А.Г. О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке. – Ташкент: АН УзССР, 1956. – 136 с.

6. Давлатова Р. Пропозиция ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол.фан.номз. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.

7. Журавлев В. К. Диахроническая фонология. – Москва: Наука, 1986. – 231 с.

8. Журавлев В.К. К понятию “силы” фонологической оппозиции. – Сборник. Фонетика. Фонология. Грамматика. – Москва: Наука, 1971. – 328 с.

9. Журавлев В.К. К проблеме нейтрализации фонологических оппозиций. // Вопросы языкознания. 1972. – № 3. – С. 36-48.

10. Лутфуллаева Д. Ўзбек тили морфологик бирликларида лингвистик нейтраллашув. / М.Асқарова ва ўзбек тилшунослиги масалалари: профессор М.Асқарова таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб ўтқирилган илмий-назарий анжуман материаллари). – Тошкент, ТДПУ, 2014. – Б.58-62.

11. Лутфуллаева Д.Муродуллаева О. Ўзбек тилида олмошлар зидланиш белгисининг мўътадиллашуви / Формирование интеллектуального, творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Сб. науч.-метод. статей в 24 частях. Часть 24. – Ташкент: Узб.науч.-иссл.инст.пед.наук им. Кары-Ниязи. 2009. – С. 13-15.

12. Лутфуллаева Д., Эшонкулов О. Лисоний зиддият ва нейтраллашув. – Тошкент: Наврўз, 2018. – 109 б.

13. Мамажонов А., Розикова Г. Гапларнинг шаклий-мазмуний тузилишига кўра турлари. – Фарғона: ФарДУ, 2004. – 120 б.

14. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 232 б.
15. Набиева Д. Ўзбек тилида лисоний бирликларнинг инвариант-вариант муносабати: филол. фанлари номзодлик диссертацияси. – Тошкент, 1998. – 164 б.
16. Нейматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.
17. Носова И.К. Нейтрализация оппозиции адъективного класса в современном русском языке / Теория нейтрализации. – Тамбов, 1980. – С. 70-81.
18. Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 367 б.
19. Нурмонов А.Н. Нейтрализация оппозиций лингвистических единиц по признаку утвердительности-отрицательности // Советская тюркология, 1984. – №3. – С. 56-62.
20. Реформатский А.А. О нейтрализации оппозиций / Лингвистика и поэтика. – Москва: Наука, 1987. – С. 87-90.
21. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 158 б.
22. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – Москва: Иност.лит-ра, 1960. – 272 с.
23. Қодиров З.М. Ўзбек тили грамматик категорияларининг систем тадқиқи: ўқув қўлланма. 1-қисм. – Тошкент: Innovatsiya-Ziyo, 2021. – 102 б.